

О‘zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Jomboy tumani
**НОКИМИ
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**
Джамбайского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 у.г. « 24 » Феврал № 103-қ

Jomboy t., – г. Джамбай

Жомбой тумани “Каттақишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини Қора қишлоқ ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги тоифасига кирмайдиган 0,0228 гектар ер майдонида фуқаро Абдуллаев Азизжон Азимжон ўғлига давлат-хусусий шерикчилик асосида Ёшлар меҳнат гузари сифатида Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar-kelajagimiz” давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5466-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси Жомбой туман филиалининг 2020 йил 14 февралдаги 2-06/06-сонли хатини, Самарқанд вилояти қурилиш Бош бошқармаси ҳузуридаги “Архитектура-шаҳарсозлик Кенгаши”нинг 2020 йил 7 февралдаги 5-сонли йиғилиш баёнини ва фуқаро Абдуллаев Азизжоннинг аризасини ҳамда Ер танлаш давлат комиссиясининг 2020 йил 21 февралдаги далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 6, 23-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер танлаш давлат комиссиясининг 2020 йил 21 февралдаги далолатномаси тасдиқлансин ҳамда Жомбой туман “Каттақишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини Қора қишлоқ ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги тоифасига кирмайдиган ер майдонида фуқаро Абдуллаев Азизжон Азимжон ўғлига давлат-хусусий шерикчилик асосида Ёшлар меҳнат гузари сифатида Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 0,0228 гектар ер майдони ажратилсин.

2. Қурилиш ишлари вилоят Қурилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган АРТ ва лойиха ҳужжатлари асосида, қурилиш лойихасини вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рўйхатдан ўтказган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

3. Фуқаро Абдуллаев Азизжон Азимжон ўғли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar kelajagimiz” давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли фармонининг 3-банди 7 хатбошига мувофиқ Давлат дастури иштирокчиси бўлган ёш тадбиркорларга «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-марказлари ва «Yoshlar mehnat guzari» комплексларида жой бериш, уларга мақбул нархларда хизматлар кўрсатиш, шунингдек, уларда иш ўринлари умумий

сонининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни ишга қабул қилиш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиши белгилаб қўйилсин.

4. Фуқаро Абдуллаев Азизжон юқорида кўрсатилган ҳолатлар яъни АРТ ва лойиҳа ҳужжатлари асосида, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида ҳамда тармоқ жадвалида кўрсатилган муддатда қурилиш ишларини амалга оширмаган ва “Yoshlar kelajagimiz” жамғармаси Жомбой туман филиали билан қилинган шартнома шартларини бажармаган тақдирда “Ер Кодекси”нинг 36-моддаси 6-бандига кўра ер участкасидан белгилангандан бошқа мақсадда фойдаланганда ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб топилиши ҳақида огоҳлантирилган деб ҳисоблансин.

5. Туман бош архитектори И.Рашидовга қурилиш ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ва тармоқ жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Ҳамраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ҳ.Туйчиев

**Ер майдони танлаш давлат комиссиясининг
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

« ____ » _____ 2020 йил

Жомбой туман ҳокимининг 2019-йил «20» майдаги
2003-Қ-сонли қарорига асосан

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- | | |
|-----------------|--|
| 1. Ҳ.Тўйчиев | - Жомбой туман ҳокими, комиссия раиси |
| 2. Ж.Каримов | - туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи, комиссия котиби |
| 3. Х.Хамраев | - туман ҳокимининг ўринбосари |
| 4. И.Рашидов | - туман бош архитектори |
| 5. А.Тўраев | - тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи. |
| 6. А.Ризаев | - туман Ирригация бўлими бошлиғи |
| 7.С.Эргашев | -туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи |
| 8. А.Юсупов | - туман ДСЭНМ бош врач |
| 9. Ш.Азаматов | - туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи. |
| 10. Р.Жураев | - туман ИИБ ЁХХ бошлиғи |
| 11. А.Абдуллаев | - тадбиркор |

КЕЛИШИЛДИ:

- | | |
|-----------------|--|
| 12. Д.А.Ачилов | - Самарқанд вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи |
| 13. Б.Элмуродов | - Вилоят бош архитектори. |
| 14. С.Ҳакимов | - Самарқанд вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси бошлиғи. |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar-kelajagimiz” давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5466-сонли Фармонининг 3-бандида “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари ва “Ёшлар меҳнат гузари” комплексларини қуриш давлат-хусусий шерикчилик асосида Жомбой туман Каттақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан фуқаро Абдуллаев Азизжонга давлат-хусусий шерикчилик асосида “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси” қурилиши учун 0,0228 гектар га ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида.

Танланган ер майдонлари рельефи, геология хулосаларига асосан.

Танланган ер майдонлари куйидагича чегараланди.

Шимолдан-	Маиший хизмат кўрсатиш биноси
Жанубдан-	Маҳаллий кўча
Ғарбдан-	Маҳаллий кўча
Шарқдан-	Сув иншооти ҳудуди

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОКЛАРИ

Сувлаштириш	- Лойиха асосида
Канализация	- ДСЭНМ хулосасига кура
Электрлаштириш	- техник шарт асосида
Телефонлаштириш	- техник шарт асосида
Иссиқлик таъминоти	- лойиха асосида

КОМИССИЯ ХУЛОСАСИ

Танланган ер майдони ёнғинга қарши, санитария ва экологик, йўл талабларига жавоб беради, ушбу далолатнома тегишли ташкилотларнинг келишувидир.

Ушбу далолатномани тасдиқлаш Жомбой туман ҳокимлигидан сўралсин.

